



УТВЕРЖДАЮ

Анвар ҲСР
Абдуқури
А. Абдуқаримов

Г. _____

" " _____ 2022

ДЕФЕКТНЫЙ АКТ

ПО ОБЪЕКТУ: "ФАРГОНА ВИЛОЯТИ БУВАЙДА ТУМАНИ ЯНГИКУРГОН МФЙ ЯНГИКУРГОН КИШЛОГИ ХУДУДИДАГИ 2-УМУМИЙ УРТА ТАЪЛИМ МАКТАБНИНГ СПОРТЗАЛ КИСМИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ.

№№	НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ	ЕД.ИЗМ	КОЛ-ВО
1	2	3	4
ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ			
ПОЛЫ			
2	РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ ПОЛОВ: ДОЩАТЫХ	100М2	5,4
3	РАЗБОРКА ОСНОВАНИЙ ПОКРЫТИЯ ПОЛОВ: КИРПИЧНЫХ СТОЛБИКОВ ПОД ЛАГИ	100М2	5,4
4	РАЗБОРКА ОСНОВАНИЙ ПОКРЫТИЯ ПОЛОВ: ЛАГ ИЗ ДОСОК И БРУСКОВ	100М2	5,4
5	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ИЗ БРУСКОВ	100М2	5,4
6	УКЛАДКА ЛАГ ПО КИРПИЧНЫМ СТОЛБИКАМ	100М2	5,4
7	УЛУЧШЕННАЯ ОКРАСКА МАСЛЯНЫМИ СОСТАВАМИ ПО ДЕРЕВУ ПОЛОВ	100М2	5,4
8	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 110 ММ	100М	0,6
9	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 50 ММ	100М	0,06

Бои теодби:
Бои штенер:

Анвар ҲСР
Абдуқури

Ш. Ширашев
Н. Ортеков

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Халқ таълим бўлими

мудир: 

А.Абдулфаттохов

« _____ » 2022 йил

БУВАЙДА ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМ БЎЛИМИ ТАСАРРУФИДАГИ
2-МАКТАБ БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ


№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Буюрмачи	Бувайда тумани халқ таълим бўлими
2	Лойихачи	“DIAMOND PROJECT”МЧЖ
3	Лойиха амалга ошириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида” ги ЎРҚ -742-сон Қонуни
4	Таъмир тури	Бувайда тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 2- мактаб биноси жорий таъмирлаш
5	Обект жойлашган жойи	Бувайда тумани Янгикўрғон МФЙ
6	Молиялаштириш манбаи	Бюджет
7	Эълон беришдан мақсад	-Қурилиш ташкилотини аниқлаш
8	Ишни бажариш муддати	30 (ўттиз) иш кун
9	Лойихани алоҳида шартлари	ШНҚ,2.05.02-07,ШНҚ 4.02.-05, ИҚН 86-13
10	Ногиронлар ва чекланган имкониятларга эга аҳолининг яшаш шароитларини таъминлашга қўйиладиган талаблар	Амалдаги маъёрий ҳужжатларга мувофиқ
11	Қурилиш мураккаблиги тоифаси	Обектнинг мураккаблик даражаси-III
12	Обектнинг молиялаштириш	Бўнак-30%; жорий молиялаштириш –бажарилган ишларнинг ҳажмидан 70% миқдорида молиялаштирилади
13	Иш бажарилгандан кейин буюртмачига тақдим этиладиган ҳужжат турлари	Иш бажарилгандан сўнг Форма 2. 3 шакллар тақдим этилади

14	Тақдим этиладиган хужжатлар	<p>-Танловда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб , бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисида талаб;</p> <p>-Ташкилот низоми ва руйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома, солиқдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўклиги тўғрисида, қайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги тўғрисида, ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари тўғрисида, пудратчининг қурилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтинг маъжудлиги тўғрисида, инженер ва техник ходимлар тўғрисида маълумотлар тақдим этиши шарт.</p> <p>-Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва қўриб чиқиш тартиби;</p> <p>-Танлаш иштирокчилари томонидан коррупсия қўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб</p>
15	Бажариладиган ишлар қиймати	191 544 766 сўм ҚҚС билан
15	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Бажарилган ишлар далолатномасига мос ҳолда тўланади

ХТБ инженери:



Н.Ортиқов



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фаргона -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: **Бувайда тумани 2-мактаб биносини жорий таъмирлаш**

1.2. Танлов қиймати : 191 544 766 (Бир юз туксон бир миллион беш юз кирк турт минг етти юз олтмиш олтиг)сум

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1« БУВАЙДА ТУМАН ХТБ » (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фаргона вилояти Бувайда тумани

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов « БУВАЙДА ТУМАН ХТБ » “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилини, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолнинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси

бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади